
“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салоҳиддинов



«22» ноябрь 2024 й.

ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти ҳамда ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом мазмун моҳияти мавзусида давра суҳбати баённомаси

Тошкент ш. **2024 йил 22 ноябрь**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

Маърузачи: Коррупцияга карши ички назорат бўйича масъул ходим О.Э.Умурзаков

О.Э.Умурзаков: - ЎзРВБнинг 2022 йил 3 февралдаги 7-сонли буйруғи билан ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти ҳамда ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом тасдиқланди.

ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти тўхталиб ўтадиган бўлсак, мазкур услубиёт ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

ЎзРВБдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

ЎзРВБ фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларни белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

ЎзРВБдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларнинг ишлаб чиқилишини назарда тутади:

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

ЎзРВБда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

ЎзРВБдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Коррупцияга карши масъул ходим томонидан ЎзРВБ Бош директори топшириғи асосида амалга оширилади. ЎзРВБ Бош директори топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Коррупцияга қарши масъул ходим қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Таркибий бўлинмаларни жалб қилган ҳолда ЎзРВБда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

ЎзРВБдаги таркибий бўлинмаларга мазкур услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

ЎзРВБнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ЎзРВБ Бош директори билан келишади;

таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини ЎзРВБнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитасига умумлаштиради;

ЎзРВБ Бош директорига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва ЎзРВБнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тақдим этади;

ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади.

ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўрикномага келадиган бўлсак, ушбу йўрикнома ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Йўрикноманинг мақсадлари қуйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ЎзРВБнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ халол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

ЎзРВБда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш ЎзРВБ учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, халол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

Персонални бошқариш хизмати ва Коррупцияга қарши масъул ходим номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

Номзодни текшириш 5 иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

Номзодни белгиланган муддатларда текшириш холис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очиқ манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

Коррупцияга қарши масъул ходим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

Шунингдек, номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун очиқ ахборот манбаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Номзоднинг текширувини ўтказиш натижалари бўйича Коррупцияга қарши масъул ходим томонидан номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб, мазкур ҳисобот Персонални бошқариш хизматида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестрига киритилади.

Йиғилиш якунида маърузачи иштирокчилар саволларига батафсил жавоб берди.

Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**